

Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 494-ҳадис

494/897 – حَدِيثُ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: نَحْنُ الْآخِرُونَ السَّابِقُونَ، تَقَدَّمَ قَرِيبًا، وَزَادَ هُنَا فِي آخِرِهِ. ثُمَّ قَالَ: «حَقٌّ عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ أَنْ يَعْتَسِلَ فِي كُلِّ سَبْعَةِ أَيَّامٍ يَوْمًا، يَغْسِلُ فِيهِ رَأْسَهُ وَجَسَدَهُ».»

494.897 Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Биз (дунёда) охиргилармиз, қиёмат куни пешқадамлармиз. Уларга биздан олдин китоб берилган, бизга эса улардан кейин берилган. Ушбу кун улар ихтилоф қилган нарсадир. Бас, Аллоҳ бизни (бу кунга) ҳидоят қилди. Эрта яхудийларники, индин насороларникидир», дедилар-да, сукут қилдилар. Сўнг: «Ҳар етти кунда бир марта боши ва баданини ювиш ҳар бир мусулмон зиммасидаги ҳақдир», дедилар».

Манба: hadis.islom.uz

